



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 5 » февраль

№ ПК—49

2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ҳудудларда барқарор ва юқори даромадли иш ўринларини яратиш, лойиҳавий ёндашув асосида маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш ва ҳудудларнинг солиштирама устунликларини аниқлаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, расмий бандликни рағбатлантирувчи механизмларни жорий қилиш, халқаро тан олинган малака сертификатига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсад ва вазифалар

1. Қуйидагилар 2026 йилда аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

- (а) камбағаллик даражасини 2,8 фоизгача ва ишсизлик даражасини 4,5 фоизгача пасайтириш;**
- (б) 1 млн аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш ҳамда 4 млн аҳоли даромадини ошириш;**
- (в) 263 мингта камбағал оилаларни (1,1 млн аҳолини) уларнинг даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш;**
- (г) камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сонини 3,5 мингтага етказиш;**
- (д) 1 млн норасмий иш ўринларини легаллаштириш;**
- (ж) 120 минг нафар мутахассисни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш;**

(з) 37 та оғир тоифадаги туманларда камбағаллик даражасини камида 2 бараварга қисқартириш ва Янги Ўзбекистон қиёфасидаги 33 та туман ва шаҳарни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш.

2. Қўйидагилар:

- (а)** Ишсизлик ва камбағаллик даражасини камайтириш бўйича 2026 йил учун мақсадли кўрсаткичлар **1-иловага** мувофиқ;
- (б)** Аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш бўйича 2026 йил учун мақсадли кўрсаткичлар **2-иловага** мувофиқ;
- (в)** Аҳолини даромадларни оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш бўйича 2026 йил учун мақсадли кўрсаткичлар **3-иловага** мувофиқ;
- (г)** Камбағал оилаларни уларнинг даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш бўйича 2026 йил учун мақсадли кўрсаткичлар **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) икки ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 1–4-иловалари асосида **маҳаллалар кесимидаги ойма-ой мақсадли кўрсаткичларни** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар кенгашлари муҳокамасига киритсин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда жойларда ўтказилган ўрганишлар асосида **37 та оғир тоифадаги туман ва камбағаллик даражаси юқори бўлган 903 та оғир тоифадаги маҳалла** (кейинги ўринларда – “оғир” маҳаллалар) танланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

II. Маҳаллаларда бизнес инфратузилмасини яхшилаш ҳамда лойиҳавий ёндашув асосида уларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш

5. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда “оғир” маҳаллаларнинг манзилли рўйхатини тасдиқласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда “оғир” маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштиришга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи дастурларни (кейинги ўринларда – “ислоҳот дастури”) ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари вилоятлар кенгашларига киритсин:

- (а) аҳоли томорқалари ва ижарага берилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, суғориш тизимларини яхшилаш;
 - (б) тадбиркорлик учун қулай инфратузилмани яратиш, жумладан, электр ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш;
 - (в) маҳаллаларни туман марказига ҳамда бошқа туташ туман (шаҳар)ларга боғловчи йўлларни яхшилаш билан боғлиқ лойиҳалар.
7. Белгилансинки, ҳар бир “оғир” маҳаллани “ислоҳот дастури”ни молиялаштириш мақсадида тегишли маҳаллий бюджетдан ажратилган ҳар **1 млрд сўм** учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан **2 млрд сўм** маблағ ажратилади.
8. Энергетика вазирлиги:
- (а) Энергия самарадорлиги миллий агентлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 майга** қадар чуқур ихтисослашган **1 мингта** маҳаллада **300–500 кВт соат** қувватга эга кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш ва уларни **7 йил муддатга имтиёзли шартларда лизингга** бериш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;
 - (б) Энергия самарадорлиги миллий агентлиги билан биргаликда **2026 йил 1 августга** қадар “оғир” маҳаллаларга даромад келтирадиган актив сифатида **300–500 кВт соат** қувватга эга кичик қуёш электр станцияларини ишга туширсин.
9. Маҳаллаларда кичик қуёш электр станцияларини қуриш ва Ижтимоий реестрдаги оилалар хонадонларини “яшил” таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун:
- (а) **икки ҳафта муддатда** Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси “оғир” маҳаллаларга кичик қуёш электр станцияларини ўрнатиш учун фоизсиз ва қайтармаслик шарти билан Энергетика вазирлигига **110 млн АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни ажратсин;
 - (б) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **бир ой муддатда** чуқур ихтисослашган **1 мингта** маҳаллада кичик қуёш электр станцияларини барпо этиш учун халқаро молия институтларидан **120 млн АҚШ доллари** жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги икки ҳафта муддатда Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги **молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини** жорий этсин:

- (а)** юқори даромадли маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида уста деҳқонларга ҳар **10 та** хонадонни ихтисослаштирганлиги учун **2 млн** сўм ҳамда маҳалладаги хонадонларнинг **30 фоизини** ихтисослаштирганлиги учун **75 млн** сўм миқдорида субсидия;
- (б)** томорқа ва ижара ер майдонларидаги **самарасиз эски боғларни реконструкция қилиш** ва **янгиларини барпо этиш** учун қуйидаги субсидиялар:
 - (i)** сертификатга эга **мевали дарахт кўчати** нархининг **50 фоизи**, бироқ ҳар бир кўчат учун мева турига қараб **30 минг** сўмдан ошмаган миқдорда;
 - (ii)** меваларнинг турига қараб **ҳар бир ўрнатилган** тиргак (устун) нархининг **50 фоизи**, бироқ **70 минг** сўмдан ошмаган миқдорда;
 - (iii)** ҳар бир сотихга ёмғир сувини йиғиш ва (ёки) **томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш** учун **160 минг** сўмгача миқдорда;
- (в)** сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда томорқа ва ижара ер майдонларини суғориш учун **тик қудуқларни бурғилаш** ва **қуввати 10 кВт соатдан кам бўлмаган қуёш панелини ўрнатиш** учун харажатларнинг **70 фоизи**, бироқ **200 млн** сўмдан ошмаган миқдорда субсидиялар ажратилади.

11. Белгилансинки, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида:

- (а)** маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқароларга (ўзини ўзи банд қилган шахсларга) **гаров таъминотисиз** ажратиладиган кредитлар миқдори **50 млн** сўмгача оширилади;
- (б)** чорвачиликка ихтисослашган маҳаллаларда импорт қилинган ва сертификатланган **насли чорва моллари** хариди ва **туячилик** учун кредит миқдори **100 млн** сўмгача оширилади;
- (в)** **563 та чегара ва анклав ҳудудлардаги** маҳаллаларда туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига **300 млн** сўмгача ажратиладиган кредитлар миқдори **ҳар 200 млн** сўмга камида **1 та янги иш ўрни** яратиш шарти билан **1 млрд** сўмгача оширилади;

(г) туризм салоҳияти юқори бўлган маҳаллаларда уй меҳмонхоналарини ташкил қилиш ҳамда ихтисослашуви **50 фоиздан юқори маҳаллаларда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун минитехнологиялар сотиб олишга 150 млн сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади;**

(д) ажратиладиган кредитлар ҳисобига товар ва хизматларни олдиндан етказиб бериш талаби бекор қилинади.

12. Белгилансинки, 2026 йил 1 мартдан бошлаб тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган **“маҳалла лойиҳаси”** дастури доирасида маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш бўйича **ажратиладиган кредитлар фоиз ставкасининг бир қисмига “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ** томонидан қуйидаги тартибда компенсация тақдим этилади:

(а) маҳсулот етиштиришга қаратилган лойиҳалар бўйича кредитлар фоиз ставкасининг **4 фоизлик пункти;**

(б) қўшимча қиймат яратадиган қайта ишлаш лойиҳалари бўйича кредитлар фоиз ставкасининг **6 фоизлик пункти.**

13. Энергия самарадорлиги миллий агентлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда 2026 йил 1 мартдан бошлаб “маҳалла еттилиги” хулосасига асосан Ижтимоий реестрдаги I гуруҳ ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар хонадонларининг девор ва томларини изоляция қилиш, энергия тежамкор дераза ва эшик ҳамда қуёш панеллари ёки гелиоколлектор ўрнатиш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

Бунда **“Саховат ва кўмак”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”** жамғармалари ҳисобидан Энергия самарадорлиги миллий агентлиги талабномалари асосида **I гуруҳ ногиронлиги бўлган** ва меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар хонадонларини **“яшил” таъмирлаш ишларига тенг улушларда жами 200 млрд сўм** миқдоридаги маблағлар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармаларига ажратилсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда:

(а) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича энг яхши натижа кўрсатган **100 та “оғир”** маҳаллага қўшимча **1 млрд сўмдан** ажратиш;

(б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасалари талабаларига танлов асосида “оғир” маҳаллалар **мастер режасини** ишлаб чиқиш бўйича энг яхши лойиҳалар учун **100 млн сўмдан** грант бериш;

(в) кредит фоиз ставкасининг бир қисмига компенсация тақдим этиш учун **“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”** АЖга 2026 йил давомида босқичма-босқич **1,2 трлн сўм** ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги “Камбағаллик ва меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази” МЧЖга:

(а) ер майдонларини ажратишда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги учун жорий этилган тартибни қўллашга;

(б) чет элдан олиб келинадиган сертификатланган мевали дарахт кўчатларини давлат харидларининг “таклиф сўрови” тартиб-таомили орқали сотиб олишга рухсат берилсин.

III. Оғир тоифадаги туманлар ҳамда йирик туман ва шаҳарларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш

16. Асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича танлаб олинган **оғир тоифадаги туманлар рўйхати 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **бир ой муддатда** “оғир” туманларнинг **ихтисослашуви**, географик **жойлашуви** ва бошқа **инфратузилмавий имкониятларидан** келиб чиқиб **солиштирма устунлик** йўналишларини ишга солишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс ривожлантириш дастурларини (кейинги ўринларда – Дастурлар) ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари вилоятлар кенгашларига киритсин:

(а) **саноат зоналари фаолиятини** кенгайтириш, **маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш** бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, қулай инфратузилма шароитларини яратиш;

(б) **ирригация тармоқларини**, шу жумладан, аҳоли томорқаси ва ижарага берилган ер майдонларида суғориш тизимини яхшилаш;

(в) туман марказини **йирик автомобиль йўллари**га ва аҳоли кўп яшайдиган мавзеларни **туман марказига** ҳамда бошқа туташ туман (шаҳар)ларга боғловчи йўлларни яхшилаш;

(г) маҳаллалар **ихтисослашувини чуқурлаштириш** билан боғлиқ бошқа лойиҳалар.

18. Белгилансинки, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Дастурларни амалга оширишда маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган ҳар **1 млрд сўм** учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан **5 млрд сўм**, бироқ битта туман учун республика бюджетидан **50 млрд сўмдан кўп бўлмаган** миқдорда маблағ ажратилади.

19. Давлат активларини бошқариш агентлиги **бир ой муддатда бўш турган** ер участкалари ва **давлат объектларини** уларнинг бошланғич нархини **3 бараваргача** арзонлаштирилган қийматда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Белгилансинки, **2026 йил 1 мартдан бошлаб** оғир тоифадаги туманларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар йиллик **12 фоиз ставкада** ажратиб борилади.

21. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлигининг **6-иловага** мувофиқ туман ва шаҳарларнинг **бизнес-режаларини** ишлаб чиқиш ва ҳоким ёрдамчиларини **лойиҳа гуруҳлари**га бирлаштириш бўйича **Олмазор тумани тажрибасини** йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** туман (шаҳар)ларнинг бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини аниқлаган ҳолда ҳудудни ривожлантиришга қаратилган **бизнес-режаларни** ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

(б) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан маҳаллаларда тадбиркорлик лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш учун ҳоким ёрдамчиларидан иборат **лойиҳа гуруҳлари** фаолияти йўлга қўйилади.

22. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 6-иловасидаги туман ва шаҳарлар ҳокимларига:

(а) лойиҳа гуруҳлари доирасида самарали фаолият кўрсатган ва ташаббускор ҳоким ёрдамчиларига маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан қўшимча устамаларни тўлашга;

(б) лойиҳа гуруҳларига малакали мутахассисларни лойиҳа координатори сифатида жалб қилишга рухсат берилади.

23. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 мартдан бошлаб хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси туман ва шаҳар ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

IV. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш ҳамда норасмий бандликни қисқартириш

24. 2026 йил 1 июлдан 2028 йил 1 январга қадар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касбий таълим сифатини оширишга йўналтирилган қуйидаги турдаги субсидиялар жорий этилсин:

(а) ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарига халқаро миқёсда тан олинган касбий таълимга оид сертификатларни, шунингдек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида миллий сертификатларни олиш учун сарфланган маблағларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача;

(б) малакани баҳолаш марказларини ташкил этган тадбиркорлик субъектларига харид қилинган баҳолаш воситалари харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан ошмаган миқдорда қоплаб берилади.

25. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич ваучер тизимида иштирок этадиган таълим ташкилотларининг ўқитувчи ва таълим усталари ўз таълим йўналишига мос диплом ёки малака паспорти (сертификат)га эга бўлиши талаби жорий этилади. Бунда ўқитувчи ва таълим усталарига малака паспорти (сертификати) малакани баҳолаш марказлари томонидан берилади.

- 26.** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги аҳоли бандлигини ошириш, меҳнат муносабатларини ислоҳ қилиш ҳамда касбга тайёрлаш соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳага **Жаҳон банкининг 100 млн АҚШ доллари** миқдоридаги қарз маблағларини жалб этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.
- 27.** 2026 йилда **1 млн** норасмий иш ўринларини легаллаштириш бўйича масъул вазирлик ва идоралар ҳамда 2026 йил учун мақсадли кўрсаткичлар **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
- 28.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:
- (а) ҳоким ёрдамчиси хатлови асосида аниқланган норасмий бандлик ҳолатлари бўйича уларни бартараф этиш юзасидан **“Ягона миллий меҳнат тизими”** идоралараро дастурий-аппарат комплексида иш берувчиларнинг шахсий кабинетларига Давлат меҳнат инспекцияси томонидан **огоҳлантириш хати юборилади;**
 - (б) иш берувчилар томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолати **уч иш кун ичида** ихтиёрий равишда бартараф этилмаган тақдирда, ушбу ҳолат тегишли корхоналар ва ташкилотларда Давлат меҳнат инспекцияси томонидан **текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланади;**
 - (в) норасмий бандлик ҳолати аниқланган кундан бошлаб **бир ой муддат ичида** иш берувчилар ходимлар билан меҳнат шартномасини расмийлаштириб, ҳисобланган ойлик иш ҳақларини тўлиқ тўлаб берган тақдирда, **улар маъмурий жавобгарликдан озод этилади.**
- 29.** 2026 йил **1 мартдан** бошлаб тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлашда қуйидаги қонунбузилиш ҳолатлари **балларни камайтирувчи қўшимча мезон сифатида белгилансин:**
- (а) тасдиқланган **норасмий бандлик** ҳолатлари;
 - (б) ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан паст **ойлик иш ҳақларининг** ҳисобланиши.

V. Молиялаштириш манбалари

- 30.** Белгилансинки, **лойиҳавий ёндашув** асосида 2026 йилда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадларига **164,7 трлн сўм**, шундан:

- (а) тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун **140 трлн сўм** кредит маблағлари;
 - (б) маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун **20 трлн сўм** Давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари;
 - (в) **37 та** оғир тоифадаги туман ва **903 та** “оғир” маҳаллаларда тадбиркорлик инфратузилмасини яратиш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қўшимча **3,7 трлн сўм**;
 - (г) аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш учун **мақсадли жамғармалар** ҳисобидан **1 трлн сўм** ажратилади.
- 31.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2026 йил давомида** маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш орқали тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни яратишга қуйидаги йўналишларга Ўзбекистон Республикасининг **республика бюджетидан қўшимча маблағларни** ажратсин:
- (а) **200 та** гавжум кўчалар, **206 та** соҳилбўйи ва **500 та** йўлбўйи инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун – **1,2 трлн сўм**;
 - (б) туризм салоҳияти юқори бўлган **150 та** маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун – **450 млрд сўм**;
 - (в) **400 та** маҳаллани қамраб олувчи **50 та** микросаноат марказларини ташкил қилиш учун – **150 млрд сўм**.
- 32.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда **бир ой муддатда** оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини молиялаштириш учун **йиллик 8 фоиз ставкада** қўшимча **2 трлн сўм** ресурс маблағларини йўналтирсин.
- 33.** Марказий банк ва тижорат банкларининг 2026 йилда ташқи манбалардан **8-иловага** мувофиқ **8 млрд АҚШ доллари** миқдорида маблағларни жалб қилиш бўйича таклифи маъқуллансин.
- 34.** Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) **бир ой муддатда:**
- (а) Наманган, Навоий, Қашқадарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида “Uzagrostar xolding” компанияси таъсисчилигида ихтисослашган компанияларни ташкил этсин;
 - (б) Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамиятидаги улушини ошириш орқали **мавжуд ва янги ташкил этиладиган ихтисослашган компанияларнинг ҳар бири учун 20 млрд сўмдан** йўналтирсин.

35. Марказий банк 2026 йил 1 мартдан ҳоким ёрдамчилари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар бўйича юзага келган муаммоли қарздорликларнинг ундирилган суммасидан бир қисмини қўйидаги миқдорларда уларга **бонус сифатида ажратиш тизимини жорий қилсин:**

(а) 2022 йилгача ажратилган кредитлар бўйича ундирилган сумманинг **20 фоизи;**

(б) 2022 йилдан 2025 йил 1 январга қадар ажратилган кредитлар бўйича ундирилган сумманинг **10 фоизи.**

36. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарорда назарда тутилган қўшимча маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетининг қўшимча манбаи ҳисобидан ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

37. Қўйидагилар:

(а) 2026 йилда янгича ёндашувлар асосида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича **“йўл харитаси” 9-иловага** мувофиқ;

(б) мазкур қарорга асосан аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш, даромадларини ошириш ҳамда норасмий иш ўринларини қисқартириш бўйича амалга оширилган ишларнинг ҳисобини юритиш тартиби **10-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

38. Мазкур қарор билан белгиланган вазифалар ижроси ҳамда молиявий маблағларнинг самарали ишлатилишини таъминлаш доирасида:

(а) Ҳисоб палатаси (М. Абдуллаев) бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланилишини **доимий назоратга олсин;**

(б) Бош прокуратура (И. Адхамов) аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга оид маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириб, **ҳар чорак якуни билан** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритиб борсин.

- 39.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари “Ислоҳотлар штаблари” билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини тегишли масъуллар иштирокида танқидий муҳокама қилиб, **ҳар чорак якуни билан** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.
- 40.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **11-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- 41.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов, Марказий банк раиси Т.А. Ишметов ҳамда иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари И.И. Норқулов белгилансин.
- 42.** Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ишсизлик ва камбағаллик даражасини камайтириш бўйича 2026 йил учун
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

T/p	Худуд номи	Камбағаллик даражаси (фоиз)	Ишсизлик даражаси (фоиз)
ЖАМИ:		2,8	4,5
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3,2	4,8
2	Андижон вилояти	2,7	4,5
3	Бухоро вилояти	2,6	4,5
4	Жиззах вилояти	2,8	4,6
5	Қашқадарё вилояти	3,3	4,6
6	Навоий вилояти	2,1	3,9
7	Наманган вилояти	2,7	4,6
8	Самарқанд вилояти	2,0	4,5
9	Сирдарё вилояти	3,0	4,6
10	Сурхондарё вилояти	2,8	4,6
11	Тошкент вилояти	2,6	4,5
12	Фарғона вилояти	2,7	4,5
13	Хоразм вилояти	3,0	4,5
14	Тошкент шаҳри	1,7	3,8

Аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш бўйича 2026 йил учун
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Худуд номи	Аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш (нафар)	Шу жумладан:					
			Инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига (Л.Қудратов)	Хизмат кўрсатиш ва сервис лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига (И.Норқулов, А.Мирсоатов)	Қишлоқ хўжалиги соҳасида (И.Абдурахмонов, А.Ҳайтов)	Қурилиш соҳасида (Ш.Хидоятлов)	Бўш иш ўринларига жойлаштириш (Б.Захидов)	Молиявий қўллаб-қувватлаш орқали (Т.Ишметов)
ЖАМИ		1 000 045	130 360	279 135	70 000	31 000	150 000	339 550
1	Қорақалпоғистон Республикаси	47 738	5 035	10 290	8 070	1 616	7 727	15 000
2	Андижон вилояти	86 674	12 340	25 043	3 117	2 798	13 376	30 000
3	Бухоро вилояти	51 050	6 250	12 302	5 773	1 682	8 043	17 000
4	Жиззах вилояти	37 823	5 330	5 528	6 850	1 225	5 890	13 000
5	Қашқадарё вилояти	86 763	11 977	20 151	7 718	2 753	13 164	31 000
6	Навоий вилояти	28 536	3 977	6 729	2 490	915	4 425	10 000
7	Наманган вилояти	80 325	15 980	16 998	2 271	2 435	11 641	31 000
8	Самарқанд вилояти	96 702	11 979	24 274	10 251	3 220	15 428	31 550
9	Сирдарё вилояти	24 303	3 285	4 817	2 834	755	3 612	9 000
10	Сурхондарё вилояти	67 327	7 832	17 786	5 192	2 207	10 310	24 000
11	Тошкент вилояти	84 793	11 150	19 062	7 725	2 731	12 625	31 500
12	Фарғона вилояти	98 205	13 500	29 782	4 309	3 307	15 807	31 500
13	Хоразм вилояти	49 653	7 225	13 424	3 400	1 662	7 942	16 000
14	Тошкент шаҳри	160 153	14 500	72 949	-	3 694	20 010	49 000

Изоҳ: Мақсадли кўрсаткичларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг асослантилган таклифларига мувофиқ "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

Аҳолини даромадларни оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш бўйича 2026 йил учун
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Кўрсаткичлар	Аҳоли даромадини ошириш (нафар)	шў жумладан:													
			Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сўрхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
	ЖАМИ	3 935 834	144 353	336 398	269 656	192 832	343 043	145 424	314 013	454 162	328 641	118 147	387 111	423 403	236 655	241 996
I	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	790 536	22 425	78 949	45 438	27 757	66 643	27 162	67 991	94 327	63 796	19 903	76 721	90 503	45 348	63 573
1	Микролойиҳалар ташкил этиш	618 245	13 533	69 889	35 154	20 351	56 308	19 328	55 426	73 887	49 560	11 841	54 100	76 501	33 148	49 219
2	Томорқа ва ижара ер майдонларидан самарали фойдаланиш: ("Бир контур-бир маҳсулот", "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили, инновацион асарларчилик ҳамда экспортчи кооперативлари, томорқа ва ижара ерларида суғ таъминотини яхшилаш, хонадонлар кўча қисмида ток сўриси ташкил этиш, эски боғларни янгилаш, томорқа ва ижара ерлардан самарали фойдаланиш лойиҳаларига ажратиладиган кредит ва лизинг, намунали хонадон томорқаси ва кўрғазмали ўқув-тажриба майдонлари ташкил этиш, маҳаллалар ихтисослашувини ошириш ҳамда аҳолини қисқа мuddатли ўқитиш лойиҳалари)	43 025	1 943	4 385	3 022	2 190	3 454	1 949	3 884	5 167	3 434	1 526	4 115	4 597	3 119	240
3	Ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ваучер ва буюртма асосида ўқитиш лойиҳаси	100 000	5 400	3 584	5 656	4 064	5 344	4 512	6 736	12 212	8 472	5 088	13 302	7 328	7 120	11 182
4	Молиявий қўллаб-қувватлаш орқали даромадни ошириш	29 266	1 549	1 091	1 606	1 152	1 537	1 373	1 945	3 061	2 330	1 448	5 204	2 077	1 961	2 932
II	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги*	485 526	13 940	29 666	29 326	27 231	31 689	13 620	27 329	63 444	57 180	16 060	47 649	56 093	24 821	47 478
1	Тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилаш: (200 та гавжум кўчаларни ташкил этиш, 500 та маҳаллада соҳил ва йўл бўйи инфратузилмасини яхшилаш, 150 та туризм маҳалласини ташкил этиш ҳамда чегара ва анклав ҳудудда жойлашган маҳаллаларни ривожлантириш лойиҳалари)	233 694	5 290	18 237	16 327	12 793	16 010	10 349	18 298	18 219	16 925	8 172	16 538	17 206	15 350	43 980
2	Драйвер лойиҳаларни ишга тушириш	50 216	3 750	4 000	3 500	3 125	3 749	2 500	4 000	4 000	4 375	2 500	3 875	4 094	3 250	3 498
3	"Агростар" компаниялари ва хонадонлар кооперацияси	194 187	4 804	6 877	9 296	9 848	11 683	594	2 426	41 010	35 665	5 023	26 896	34 109	5 956	
4	50 та микросаноат марказини ташкил этиш	7 429	96	552	203	1 465	247	177	2 605	215	215	365	340	684	265	
III	Марказий банк	1 169 482	75 853	87 585	82 737	63 890	92 783	58 693	86 643	98 889	84 811	46 386	97 062	98 892	76 989	118 269
1	Кичик ва ўрта бизнесга ажратиладиган кредитлар ("Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш" дастури, "20 та маҳаллий бренд" лойиҳаси)	769 482	47 000	57 000	55 000	42 000	54 000	39 000	61 000	60 000	55 000	32 482	63 000	64 000	50 000	90 000
2	Ҳар бир маҳаллада 10 тадан хонадон танлаб олиб, лойиҳа пакетлари тақдим этиш	100 000	5 018	9 758	5 728	3 375	8 614	3 441	8 370	11 992	8 026	2 453	9 802	11 279	5 650	6 494
3	"Барқарор келажак сари" дастури (ёшлар бандлигини таъминлаш)	300 000	23 835	20 827	22 009	18 515	30 169	16 252	17 273	26 897	21 785	11 451	24 260	23 613	21 339	21 775
IV	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (агротехник тадбирларда мавсумий банд қилиш)	676 637	13 201	63 189	53 987	37 322	68 530	23 832	50 739	98 769	68 159	16 039	66 504	69 809	46 557	
V	Иқтимоий ҳимоя миллий агентлиги ("Тенг имкон - инклюзив бандлик" дастури)	40 000	2 805	3 337	2 493	1 529	4 322	1 705	3 480	4 275	3 583	1 387	2 834	3 883	2 429	1 938
VI	Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги (мавсумий банд қилиш)	673 653	12 877	64 352	50 165	30 903	69 406	17 762	69 361	83 828	43 832	15 752	87 461	92 923	35 031	
VII	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ("Меҳнатсевар аёл" дастури)	100 000	3 252	9 320	5 510	4 200	9 670	2 650	8 470	10 630	7 280	2 620	8 880	11 300	5 480	10 738

Изоҳ:

Мақсадли кўрсаткичларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг асослантилган тақлифларига мувофиқ "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

Даромади ошган аҳоли тўғрисидаги маълумотлар доимий ишга жойлашган аҳоли билан ва бошқа ойлarda даромади ошган фуқаролар билан таққорланиши мумкин.

* Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу йўналишларда аҳоли даромадини ошириш учун шaroит яратadi.

Камбағал оилаларни уларнинг даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш бўйича 2026 йил учун
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

T/p	Камбағалликдан чиқариш йўналишлари	Хизматлар билан қамраб олинадиган:		Ҳудудлар кесимида:													
		камбағал аҳоли сони (минг нафар)	камбағал оилалар сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
I. Камбағал аҳолини даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш		1 108,4	263 215	15 947	26 009	16 106	10 504	27 877	5 756	20 958	30 959	7 255	20 527	21 414	29 178	16 363	14 362
1	Доимий иш ўринларига жойлаштириш	387,9	92 127	5 580	9 103	5 639	3 677	9 757	2 015	7 336	10 834	2 540	7 186	7 495	10 213	5 726	5 026
2	Тадбиркорликка жалб қилиш	354,9	84 231	5 105	8 322	5 149	3 363	8 922	1 839	6 704	9 911	2 321	6 570	6 853	9 333	5 238	4 601
3	Камбағал оила даромадини ошириш	176,9	42 113	2 551	4 162	2 579	1 680	4 461	922	3 355	4 951	1 160	3 283	3 425	4 670	2 617	2 297
4	Норасмий фаолиятни легаллаштириш	122,2	28 951	1 754	2 862	1 772	1 155	3 065	633	2 305	3 404	797	2 257	2 357	3 211	1 801	1 578
5	Касб-ҳунарга ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш ва бошқа йўналишлар ҳисобига	66,5	15 793	957	1 560	967	629	1 672	347	1 258	1 859	437	1 231	1 284	1 751	981	860
II. Камбағалликка тушиш хавфи бўлган оилалар даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш			48 221	2 896	4 774	2 931	1 925	5 160	1 051	3 856	5 680	1 321	3 744	3 933	5 367	2 955	2 628
шў жумладан, янги ёндашувлар асосида			37 135	2 710	3 844	1 154	1 715	1 563	991	3 695	1 790	1 601	3 367	5 296	5 250	3 463	696
1.	Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш орқали (масъул - И. Норқулов)		25 000	1 510	2 931	445	1243	666	355	2886	710	1066	2087	4041	4174	2886	
2.	Ўрмон фонди ерларида ўрмонлар ва кўчатхоналар ташкил этиш, доривор ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (масъул – Э.Мухитдинов)		2 163	303	68	100	111	236	120	128	248	45	430	159	155	60	
3.	Фармацевтика йўналишида кооперация асосида доривор ўсимликларни етиштириш (масъул – А.Азизов)		500	25	47	29	41	59	24	47	35	35	47	47	35	29	
4.	Туризм хизматларини ривожлантириш ва туризм маҳаллаларини барпо этиш (масъул – А.Аққулов)		560	16	30	18	41	48	20	20	64	20	51	55	45	52	80
5.	Ахборот технологиялари соҳасида замонавий касбларга бепул ўқитиш (масъул – Ш.Шерматов)		5 000	226	455	272	154	414	165	394	563	120	362	512	531	266	566
6.	Техникумларда касб-ҳунарга ўқитиш (масъул – К.Шарипов)		3 652	610	293	270	105	120	287	200	150	295	370	462	290	150	50
7.	Илм-фан ва технологияларни ривожлантириш (масъул – К.Шарипов)		260	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	

Изох: Мақсадли кўрсаткичларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг асослантилган таклифларига мувофиқ "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

**Асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича
танлаб олинган оғир тоифадаги туманлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудуд номи	Туман номи
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1. Бўзатов тумани 2. Қонликўл тумани 3. Мўйноқ тумани 4. Шуманай тумани
2.	Андижон вилояти	1. Бўстон тумани 2. Улуғнор тумани 3. Пахтабод тумани
3.	Бухоро вилояти	1. Пешку тумани 2. Олот тумани 3. Қоракўл тумани
4.	Жиззах вилояти	1. Арнасой тумани 2. Мирзачўл тумани 3. Фориш тумани
5.	Қашқадарё вилояти	1. Деҳқонобод тумани 2. Нишон тумани 3. Касби тумани
6.	Навоий вилояти	1. Конимех тумани 2. Навбаҳор тумани
7.	Наманган вилояти	1. Мингбулоқ тумани 2. Янгиқўрғон тумани
8.	Самарқанд вилояти	1. Қўшработ тумани 2. Пахтачи тумани
9.	Сирдарё вилояти	1. Оқолтин тумани 2. Мирзаобод тумани 3. Ховос тумани
10.	Сурхондарё вилояти	1. Бандихон тумани 2. Бойсун тумани 3. Олтинсой тумани
11.	Фарғона вилояти	1. Фурқат тумани 2. Бағдод тумани 3. Сўх тумани
12.	Хоразм вилояти	1. Қўшкўпир тумани 2. Боғот тумани 3. Гурлан тумани
13.	Тошкент вилояти	1. Оққўрғон тумани 2. Пискент тумани 3. Қуйи Чирчиқ тумани

**Олмазор тумани тажрибаси жорий этиладиган туман ва шаҳарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудуд номи	Туман (шаҳар) номи
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1. Нукус шаҳри
2.	Андижон вилояти	1. Андижон шаҳри 2. Асака тумани 3. Шаҳрихон тумани
3.	Бухоро вилояти	1. Бухоро шаҳри 2. Ғиждувон тумани 3. Когон шаҳри
4.	Жиззах вилояти	1. Жиззах шаҳри 2. Шароф Рашидов тумани
5.	Қашқадарё вилояти	1. Қарши шаҳри 2. Шаҳрисабз шаҳри
6.	Навоий вилояти	1. Навоий шаҳри 2. Зарафшон шаҳри
7.	Наманган вилояти	1. Наманган шаҳри
8.	Самарқанд вилояти	1. Самарқанд шаҳри 2. Ургут тумани
9.	Сирдарё вилояти	1. Гулистон шаҳри 2. Янгиер шаҳри
10.	Сурхондарё вилояти	1. Термиз шаҳри 2. Денов тумани
11.	Фарғона вилояти	1. Фарғона шаҳри 2. Қўқон шаҳри 3. Марғилон шаҳри 4. Қувасой шаҳри
12.	Тошкент вилояти	1. Оҳангарон шаҳри 2. Чирчиқ шаҳри 3. Ангрен шаҳри 4. Бекобод шаҳри 5. Нурафшон шаҳри 6. Олмалиқ шаҳри 7. Янгийўл шаҳри 8. Бўстонлиқ тумани 9. Тошкент тумани 10. Қибрай тумани 11. Зангиота тумани

Т/р	Худуд номи	Туман (шаҳар) номи
13.	Хоразм вилояти	1. Урганч шаҳри 2. Хива шаҳри 3. Гурлан тумани
14.	Тошкент шаҳри	1. Бектемир тумани 2. Мирзо Улуғбек тумани 3. Миробод тумани 4. Олмазор тумани 5. Сергели тумани 6. Учтепа тумани 7. Чилонзор тумани 8. Шайхонтоҳур тумани 9. Юнусобод тумани 10. Яккасарой тумани 11. Янгиҳаёт тумани 12. Яшнобод тумани

Норасмий иш ўринларини легаллаштириш бўйича 2026 йил учун
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Худуд номи	Жами легаллаштириладиган иш ўринлари сони	шу жумладан						
			Солиқ қўмитаси (Ф.Пулатов)	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М.Оллоёров)	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов)	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Абдурахмонов)	Транспорт вазирлиги (И.Махкамов)	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш.Хидоятов)	Тўризм қўмитаси (А.Аққулов)
ЖАМИ		1 000 000	460 000	100 000	125 000	105 000	75 000	125 000	10 000
1	Қорақалпоғистон Республикаси	46 578	17 305	5 710	5 950	6 781	4 326	6 306	200
2	Андижон вилояти	66 390	27 065	11 335	7 930	9 814	2 551	7 295	400
3	Бухоро вилояти	60 747	20 656	5 182	8 047	8 575	7 512	9 575	1 200
4	Жиззах вилояти	48 968	19 998	4 933	4 050	7 672	7 296	4 719	300
5	Қашқадарё вилояти	77 737	26 750	9 030	9 640	15 800	7 836	8 231	450
6	Навоий вилояти	35 138	15 284	1 243	4 520	5 292	4 544	3 905	350
7	Наманган вилояти	60 631	26 710	8 781	8 165	7 341	2 432	6 752	450
8	Самарқанд вилояти	66 797	32 776	6 519	10 228	6 580	2 212	7 282	1 200
9	Сирдарё вилояти	36 028	17 362	2 117	2 970	5 893	3 026	4 410	250
10	Сўрхондарё вилояти	50 883	21 873	6 633	7 280	5 046	3 869	5 722	460
11	Тошкент вилояти	111 630	57 310	7 452	11 470	10 185	4 020	20 143	1 050
12	Фарғона вилояти	73 886	28 165	12 384	10 330	8 500	5 177	8 130	1 200
13	Хоразм вилояти	50 065	18 218	4 408	7 380	7 521	6 152	5 186	1 200
14	Тошкент шаҳри	214 522	130 528	14 273	27 040	-	14 047	27 344	1 290

Изоҳ:

Мақсадли кўрсаткичларга мавсумий ишчилар, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланма ишчилар ҳамда ташкилотларда норасмий ишлаётган шахслар фаолиятини легаллаштириш ҳисобидан эришилади.

Мақсадли кўрсаткичларга вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг асослантилган таклифларига мувофиқ "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

**2026 йилда тижорат банклари томонидан
ташқи манбалар ҳисобидан маблағ жалб қилиш бўйича
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР**

млн долл экв

T/p	Тижорат банки номи	Жалб қилинадиган маблағ миқдори
Жами		8 000
1	"Ўзмиллийбанк" АЖ	1 500
2	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ	1 200
3	"Асакабанк" АЖ	950
4	АТ "Алоқа банк"	500
5	"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ	450
6	"Агробанк" АТБ	600
7	АТ "Халқ банки"	500
8	"Туронбанк" АЖ	350
9	"Микрокредитбанк" АТБ	400
10	Хусусий банклар	1 550

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
I. Маҳаллаларда лойиҳавий ёндашув асосида уларнинг географик жойлашуви ҳамда ихтисослашуvidан келиб чиқиб аҳоли даромадларини оширишни ташкиллаштириш					
1.	2026 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун тизимли ишларни ташкил қилиш.	1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар кенгашларида маҳаллалар кесимида ойма-ой мақсадли кўрсаткичларни тасдиқлаш. Бунда мақсадли кўрсаткичлар маҳаллаларнинг ихтисослашуви, географик жойлашуви ҳамда тарихан шаклланган кўникмасидан келиб чиққан ҳолда тақсимланиши инобатга олинсин. 2. Камбағаллик даражаси юқори бўлган 903 та маҳалланинг ҳар бирига вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмаларининг раҳбар ва ўринбосарларини бириктириш.	2026 йил февраль 2026 йил февраль	—	Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
2.	Чегара ва анклав ҳудудларда, туристик салоҳияти юқори бўлган, бир нечта маҳаллани қамраб олувчи гавжум кўчаларда , шунингдек, соҳил ва йўлбўйи ҳудудларида, “Янги Ўзбекистон” мақоми берилган туманлардаги маҳаллалар ва микросаноат марказлари ташкил	1. Чегара ва анклав ҳудудларда, туристик салоҳияти юқори бўлган, бир нечта маҳаллани қамраб олувчи гавжум кўчаларда, шунингдек, соҳил ва йўлбўйи ҳудудларида, “Янги Ўзбекистон” мақоми берилган туманлардаги маҳаллалар ва микросаноат марказлари ташкил этиладиган маҳаллаларнинг	2026 йил февраль	Республика ва маҳаллий бюджет, тижорат банклари кредитлари ва ташаббускорлар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	этиладиган ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш.	инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш. 2. Инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун бош (мастер) режалар ва улар асосида лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш. 3. Инфратузилма учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлаш. 4. Ушбу маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун зарур ер майдонларини танлаш, аукцион савдоларига чиқариш ҳамда тасдиқланган бош (мастер) режага мувофиқ аукцион савдолари ғолиблари билан ишларни ташкил этиш. 5. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун етишмаётган маблағларни маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиш имкониятини кўриб чиқиш.	2026 йил апрель 2026 йил апрель 2026 йил май 2026 йил август		
3.	563 та чегара ва анклав ҳудудлардаги маҳаллаларда дам олиш масканлари ва савдо-сервис объектларини ташкил қилиш орқали камбағалликни қисқартириш.	1. Маҳаллаларда ташкил этиладиган меҳмон ўйлари, дам олиш масканлари ва савдо-сервис лойиҳаларининг рўйхатини шакллантириш. 2. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 1 трлн сўм кредит маблағларини ажратиш ҳамда 25 минг оиланинг даромадини ошириш.	2026 йил 1 март 2026 йил давомида	Тижорат банклари, кредитлари, ташаббускорлар маблағлари	Тижорат банклари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
4.	Саноатга ихтисослашган (мебелчилик, ҳунармандчилик, тикувчилик ва бошқа йўналишларда) маҳалларда 50 та микросаноат марказларини ишга тушириш орқали аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш.	1. Саноатга ихтисослашган 400 та маҳаллани қамраб олувчи 50 та микросаноат маркази рўyxатини шакллантириш. 2. Микросаноат марказларини ташкил этиш учун зарур ер майдонларини ажратиш ва бош (мастер) режаларни ишлаб чиқиш. 3. Микросаноат марказлари учун зарур инфратузилмани яратиш. 4. Микросаноат марказларини ташкил этиш учун тегишли ер майдонларини аукционга чиқариш, тадбиркорларни жалб этиш, бизнес инкубаторлар хизматидан кенг фойдаланиш ва зарур кредит маблағларини ажратиш.	2026 йил февраль 2026 йил апрель 2026 йил давомида	Республика бюджети, тижорат банклари кредитлари ва ташаббускорлар маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Х. Мустафоев), тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
5.	Барқарор электр таъминотини яхшилаш ва бу орқали камбағал оилаларнинг электр энергияси харажатларини камайтириш.	1. “Оғир” маҳаллаларда 300-500 кВт соат қувватга эга қуёш электр станцияларини ташкил этиш ва бу орқали камбағал оилаларнинг электр энергияси харажатларини камайтириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда қуёш электр станцияларида яратилган яшил энергия ҳисобига тушадиган маблағлар камбағал оилалар хонадонини энергия тежамкор қилиб таъмирлаш ҳамда гелиоколлектор ўрнатиш мақсадида сарфланишини белгилаш. 2. “Оғир” маҳаллаларда ўрнатиладиган қуёш электр станцияларини	2026 йил март 2026 йил март	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамаҳмудов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М.Оллоёров), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, “Яшил энергия” АЖ (А.Юлдашев), Касбий таълим агентлиги (А.Хусанов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		жойлаштириш учун зарур ер майдонларини аниқлаш. 3. “Оғир” маҳаллалар ҳудудида 300-500 кВт соат қувватга эга бўлган кичик қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 4. Қурилган кичик қуёш электр станцияларини “оғир” маҳаллаларга даромад келтирадиган актив сифатида беғараз бериш. 5. Қуёш электр станцияларида яратиладиган электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағларни маҳалла бюджетига йўналтириш. 6. Қуёш электр станцияларини бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш учун ушбу маҳаллаларда яшовчи Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоларини ўқитиш ва ишга олиш.	2026 йил сентябрь 2026 йил сентябрь 2026 йил давомида		Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
6.	“Оғир” тоифадаги маҳаллалардаги аҳоли томорқаси ва ижара ер майдонларидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадини ошириш.	Танлаб олинган 903 та “оғир” тоифадаги маҳаллалар бўйича давлат ва маҳалла ўртасида ижтимоий шартномалар тузиш. Бунда “маҳалла еттилиги” томонидан: (а) аҳоли томорқаси ва ижара ер майдонларидан самарали фойдаланиш (экин экиш) ҳамда оиланинг даромадини ошириш; (б) оилага тегишли уй-жойнинг санитария ҳолатини яхши сақлаш ва бошқа мажбуриятларни кўзда тутиш.	2026 йил март	—	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
7.	Шўрчи тумани тажрибаси асосида ҳудудларда бананчиликни ривожлантириш.	Шўрчи тумани тажрибаси асосида ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиқиб, бананчиликни ривожлантиришга қаратилган қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил март	Давлат бюджети маблағлари ва “Асакабанк” АЖ кредит маблағлари	“Асакабанк” АЖ (К. Тўлаганов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов)
8.	“Маҳалла еттилиги” фаолиятига оид ахборот базаларини ўзаро интеграция қилиш.	1. “Маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан фойдаланилаётган дастурий таъминот маҳсулотлари (платформалар) ҳамда улардаги маълумотлар таркибини хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов натижаларига кўра “маҳалла еттилиги” фаолияти учун зарур маълумотлар алмашинувини жорий этиш (интеграция қилиш) ва ягона шаклдаги маълумотлардан фойдаланиш.	2026 йил март 2026 йил май	Ижрочилар маблағлари	Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
II. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш					
9.	Ҳар бир маҳаллада кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги йўналишларида ўртача 10 тадан жами 90 мингга микролойиҳаларни амалга ошириш.	1. 2026 йилда маҳаллаларда амалга ошириладиган микролойиҳаларнинг ойма-ой режа кўрсаткичларини тасдиқлаш. 2. Бизнес қилиш ташаббусини билдирган фуқаролар билан манзилли ишлаш орқали микролойиҳалар учун кредитлар портфелини шакллантириш. 3. Микролойиҳаларни амалга ошириш учун зарур кредит маблағини молиялаштириш.	2026 йил февраль 2026 йил март 2026 йил давомида	Тижорат банклари кредитлари ва лойиҳа ташаббускорлари маблағлари	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
10.	Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш доирасида ўзини ўзи банд қилган шахсларни қўллаб-қувватлаш орқали тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш.	1. Ҳар бир маҳалладан тадбиркорлик қилиш истаги бўлган 3 нафардан ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатини шакллантириш. 2. Истиқболли лойиҳаларни саралаш, ўзини ўзи банд қилган шахсларга тадбиркорлик	2026 йил давомида	Тижорат банклари кредитлари ва ташаббускорлар маблағлари	Тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		субъектларини ташкил этиш учун кредит маблағларини ажратиш.			Тошкент шаҳри ҳокимликлари
11.	“Миллий брендлар тармоғини ҳудудларда кенгайтириш доирасида аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш.	1. Миллий брендлар рўйхатини шакллантириш. 2. Ҳудудларда миллий брендларнинг филиалларини ташкил этиш мақсадида бино-иншоотлар сотиб олиш, қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун кредит ажратиш. 3. Мазкур кредитлар доирасида “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан “Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси” ҳисобидан кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг миқдоридан қатъи назар унинг 5 млрд сўм эквивалентигача бўлган қисмига тадбиркорнинг ҳудуд тоифаси ва барқарорлик рейтингидан қатъи назар кредит фоиз харажатларининг бир қисмини қуйидаги тартибда компенсация қилиш: (а) миллий валютада – Марказий банк асосий ставкасининг 2 бараваридан юқори бўлмаган ставкада ажратиладиган кредитларнинг асосий ставкадан 4 фоизлик пунктдан юқори қисми, бироқ 10 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;	2026 йил февраль 2026 йил давомида	Тижорат банклари кредитлари ва ташаббускорлар маблағлари, Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, тижорат банклари, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ (А.Махаматов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		(б) хорижий валютада – ажратиладиган кредитларнинг 8 фоиздан юқори қисми, бироқ 4 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорда. 4. Янги ташкил этилган миллий бренд корхоналари буюртмасига асосан ўқитиш харажатларини ваучер қийматидан ошмаган миқдорда қоплаб бериш. 5. Миллий бренд яратган корхоналарга ҳудудлардаги аҳоли гавжум жойлардан, бозорлардан ҳамда йўл бўйларида ўз тармоғини ташкил этиш учун ер участкаларини ажратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил 1 апрель	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Марказий банк (Т.Ишметов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов)
12.	Маҳаллаларда ихтисослашувни чуқурлаштириш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоизларни қоплаш тизимини жорий этиш.	“Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш бўйича ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг 5 миллиард сўмгача бўлган қисми бўйича фоиз ставкасининг бир қисmini “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан компенсация қилиш. Бунда: (а) маҳсулот етиштириш учун айланма маблағни шакллантириш мақсадида Марказий банк асосий ставкасининг	2026 йил 1 мартдан бошлаб	“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ бюджетдан ажратилган маблағлар	“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ (А.Махаматов), тижорат банклари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		икки бараваридан ошмаган ставкада ажратиладиган кредитларнинг асосий ставкадан 4 фоизлик пунктдан юқори қисми, бироқ 4 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорда; (б) маҳсулотларни қайта ишлаш учун айланма маблағни шакллантириш, бино-иншоотларни харид қилиш, қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, асбоб-ускуналар, махсус техника ва уларнинг эҳтиёт қисмларини харид қилиш мақсадида асосий ставканинг икки бараваридан ошмаган ставкада ажратиладиган кредитларнинг асосий ставкадан 4 фоизлик пунктдан юқори қисми, бироқ 6 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорда Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлик субъектининг барқарорлик рейтинги ва ҳудуд тоифасидан қатъи назар компенсация қилиб берилади. Мазкур бандда назарда тутилган компенсация уч йил муддатга “2+1” тамойили асосида дастлабки икки йилга тақдим этилади, маҳсулот (хизмат)ларни реализация қилишдан тушган йиллик тушум аввалги йилнинг мос даврига нисбатан 15 фоиз ва ундан ортиқ			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		миқдорда ошган тақдирда, учинчи йил давомида ҳар ойда тўлаб берилади.			
13.	Аҳоли ва тадбиркорларнинг дастурлар доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича электрон савдо дўконларидан эркин сотиб олиш ёки сотиш имкониятларини кенгайтириш.	“Oilakredit.uz” платформасида бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотишни кенгайтириш мақсадида унга янги маркетплейсларни интеграция қилиш.	2026 йил апрель	–	Марказий банк (Т. Ишметов)
14.	Ҳоким ёрдамчиларига нисбатан малака талабларини кучайтириш.	Ҳоким ёрдамчиси лавозимига янги қабул қилинадиган шахсларга иқтисодиёт ва банк-молия соҳасида камида 2 йиллик иш тажрибаси (стажи)га эга бўлиш бўйича малака талабларини белгилашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил май	–	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов)
III. Мақсадли ижтимоий бандлик дастурлари					
15.	“Барқарор келажак сари” дастури доирасида 300 минг нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш.	1. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни инвентаризациядан ўтказиб, ягона дастурга бирлаштириш ва ойма-ой мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш. 2. Тижорат банклари томонидан ёшларни тадбиркорликка жалб қилиб, уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш.	2026 йил февраль 2026 йил давомида	Тижорат банклари кредитлари	Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Марказий банк (Т.Ишметов), тижорат банклари
16.	“Меҳнатсевар аёл” дастури доирасида 100 минг хотин-қизлар бандлигини таъминлаш.	1. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича “Меҳнатсевар аёл” дастурини ҳудудлар кесимида ишлаб чиқиш. 2. Ваучер тизими асосида ўқиш истагини билдирган хотин-қизларнинг ўқиш харажатларини молиялаштириш.	2026 йил февраль 2026 йил давомида	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (З. Махкамова), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов),

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
					Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
17.	“Тенг имкон – инклюзив бандлик” лойиҳасини амалга ошириш.	1. Ногиронлиги бўлган шахсларни масофадан ишлаш имкониятини берувчи касбларга, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда уй шароитида ишлаш имконини берувчи касбларга ўқитиш. 2. Уларнинг бандлигини таъминлаш ёки тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун ссуда ва грантлар орқали зарур қурилма ва жиҳозлар билан таъминлаш. 3. Ногиронлиги бўлган шахслар учун захираланган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни махсус электрон платформага киритиш.	2026 йил давомида 2026 йил давомида 2026 йил март	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (У. Шарифходжаев), Касбий таълим агентлиги (А. Хусанов)
18.	Ижтимоий реестрдаги I гуруҳ ногиронлиги бўлиб, меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилаларнинг хонадонини энергия тежамкор қилиб таъмирлаш.	1. Тажриба тариқасида Навоий вилоятида яшовчи Ижтимоий реестрдаги I гуруҳ ногиронлиги бўлиб, меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилаларни (кейинги ўринларда – эҳтиёжманд оила) аниқлаш ва уларнинг хонадонини энергия тежамкор қилиб таъмирлаш ишларини амалга ошириш. 2. Навоий вилоятида ўтказилган тажриба натижаларидан келиб чиққан ҳолда	2026 йил март 2026 йил апрель	“Саховат ва кўмак”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров), Энергия самарадорлиги миллий агентлиги (З. Бадриддинов), Навоий вилоят ҳокимлиги (Н. Турсунов),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		республиканинг бошқа ҳудудларида яшовчи эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш, уларнинг хонадонларини энергия тежамкор қилиб таъмирлаш ҳамда ушбу тадбирларни молиялаштириш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига етказиш. 3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига етказилган тартибга асосан эҳтиёжманд оилалар хонадонини энергия тежамкор қилиб таъмирлаш тадбирлари учун 200 млрд сўмгача маблағларни тенг улушларда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармаларидан туман (шаҳар) “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармаларига ўтказиш. 4. Навоий тажрибаси асосида республиканинг бошқа ҳудудларида яшовчи эҳтиёжманд оилаларнинг хонадонларини энергия тежамкор қилиб таъмирлаш.	2026 йил апрель–май 2026 йил якунига қадар	Туман (шаҳар) “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармалари маблағлари	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Ш. Хидоятлов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (С. Садуллаев) Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (З. Махкамова), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (Ж. Аброев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
19.	Туризм хизматларини ривожлантириш орқали 560 та Ижтимоий реестрга	Туризм салоҳияти юқори бўлган 43 та маҳаллаларда туризм хизматларини ривожлантириш, шу жумладан, 17 та	2026 йил давомида	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси,	Туризм қўмитаси (А.Аққулов),

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	киритилган оилаларнинг даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш.	маҳаллага “ туризм маҳалласи ” (“туризм қишлоғи”) мақомини бериш.		ташаббускорлар маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, тижорат банклари
20.	Иш берувчилар ҳамда иш қидираётган ва ишсиз шахсларнинг вақтинча бандлигини таъминлаш мақсадида ҳақ тўланадиган жамоат ишлари фаолиятини такомиллаштириш.	Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини жалб этиш мумкин бўлган, алоҳида тайёргарлик ва малака талаб қилмайдиган, ҳақ тўланадиган вақтинчалик меҳнат фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда харажатларни қоплаб бериш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш.	2026 йил июнь	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва бошқа манбалар	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов)
IV. Деҳқон хўжалиги, томорқа ва кооперация асосида даромад					
21.	Ижара ер майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш.	1. Аҳолига дала томорқа сифатида ажратиб берилган ер майдонларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда уни расмийлаштириш. 2. Аҳолига деҳқон хўжалиги учун ажратилган ер майдонларидан самарасиз фойдаланган ёки қаровсиз қолган ижара ер майдонларини “маҳалла еттилиги” ҳулосаси асосида соддалаштирилган тартибда захирага қайтариб олиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2026 йил май	—	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Кадастр агентлиги (Т. Абдуллаев), Солиқ қўмитаси (Ф. Пулатов)
22.	“Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштиришни 145 минг гектарга етказиш.	1. Экин майдонлари рўйхатини шакллантириб, ушбу майдонларга талаб	2026 йил февраль	Тижорат банклари кредитлари,	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		этиладиган уруғ ва кўчатларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш. 2. Эҳтиёждан келиб чиқиб, молиявий кўмакларни тақдим этган ҳолда экин экилишини таъминлаш. 3. Етиштирилган маҳсулотларни сотишда агрегаторлар ҳамда етакчи тадбиркорлар томонидан кўмак кўрсатиш амалиётини йўлга қўйиш. 4. Тижорат банклари томонидан ўзларига бириктирилган ҳар бир ҳудудда 3 минг гектардан жами 39 минг гектар ер майдонида юқори даромадли экспортбоп маҳсулот етиштирилишини таъминлаш.	2026 йил апрель 2026 йил ноябрь 2026 йил давомида	ташаббускорлар маблағлари	Кенгаши, вилоятлар ва ҳокимликлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), тижорат банклари
23.	Маҳаллаларда лойиҳавий ёндашув асосида “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойилига мувофиқ юқори даромадли маҳсулот етиштириш.	Лойиҳавий ёндашув асосида “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойилига мувофиқ юқори даромадли маҳсулот етиштирувчи маҳаллалар сонини 2 500 тага етказиш. Бунда: (а) 2 500 та маҳаллада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда аҳоли кўникмаларини ошириш учун уста деҳқонларни ёллаш; (б) 150 та маҳалланинг ихтисослашуви асосида намунали томорқалар ташкил этиш; (в) 160 та маҳалладаги аҳоли хонадонида амалга оширилган энг намунали ва инновацион лойиҳалар учун грант ажратиш;	2026 йил ноябрь	Тижорат банклари кредитлари, Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ташаббускорлар маблағлари	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов), тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		(г) 100 та маҳаллада Ижтимоий реестрга киритилган 1,3 мингтагача оилаларга ток сўрисини ўрнатиш чораларини кўриш.			
24.	Мева-сабзавотчилик йўналишида маҳаллаларни чуқур ихтисослаштириб, уларда яшовчи аҳоли даромадини ошириш.	1. Сув ва электр таъминоти яхшиланган ва мева-сабзавотга ихтисослаштириладиган 1 мингта маҳалланинг рўйхатини шакллантириш. 2. “Агростар”лар томонидан ушбу маҳаллаларни мева-сабзавотчилик йўналишида янги босқичга олиб чиқиш. Бунда тижорат банклари ҳамда “Агростар”лар томонидан ушбу маҳаллаларга тажрибали агрономларни жалб қилиш, сифатли уруғ ва кўчатларни етказиб бериш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш.	2026 йил февраль 2026 йил давомида	Тижорат банклари кредитлари, ташаббускорлар маблағлари	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), тижорат банклари
25.	Тижорат банклари бириктирилган ҳудудларда амалга оширилган намунали лойиҳалар негизида ҳар бир туманда ўртача 5 тадан маҳсулотни қайта ишлаш, қадоқлаш ва сақлаш лойиҳаларини ташкил қилиш.	1. Намунавий лойиҳалар негизида ташкил этиладиган маҳсулотларни қайта ишлаш, қадоқлаш ва сақлаш лойиҳалари рўйхатини шакллантириш. 2. Лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тармоқ жадвалларини тасдиқлаш. 3. Лойиҳаларни амалга ошириш учун ташаббускорларга кўмаклашиш ва кредит маблағларини ажратиш.	2026 йил февраль 2026 йил март 2026 йил давомида	Тижорат банклари кредитлари, ташаббускорлар маблағлари	Тижорат банклари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
26.	Замонавий технологиялар асосида Инновацион асараричилик кооперативини ташкил этиш.	1. Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан Бўстонлиқ тумани “Думалоқ” маҳалласи ҳудудидан Инновацион асараричилик кооперативи ташкил этиш учун зарур бино ва ер майдонини ажратиш.	2026 йил апрель	Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини	Тошкент вилояти (З. Мирзаев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		2. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида Инновацион асаричилик кооперативини ташкил этиш. Бунда ҳудуддаги асаричиларни кооперативга бирлаштириш ва замонавий ўқув дастурлари асосида тажрибасини ошириш. 3. Тижорат банклари томонидан мазкур тажриба асосида ҳар бир вилоятда камида биттадан лойиҳани амалга ошириш.	2026 йил июль 2026–2027 йилларда	қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси, банк кредитлари ва ташаббускорлар маблағлари	вазирлиги (<i>Б. Захидов</i>), тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
27.	Ҳар бир маҳаллада 10 тадан хонадонда йилига 60–70 млн сўм кафолатли даромад келтирадиган лойиҳалар пакети ни тақдим этиш.	1. Даромади ошириладиган 90 мингта хонадоннинг манзилли рўйхатини шакллантириш; 2. Рўйхат асосида хонадоннинг имконияти ва маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб уларга лойиҳа пакетларини тақдим этиш.	2026 йил март 2026 йил давомида	Тижорат банклари кредитлари	Тижорат банклари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (<i>Б. Захидов</i>)
28.	Ўрмон фонди ерларида ўрмонлар барпо этиш, кўчатхоналар ташкил этиш ва доривор ўсимликлар етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш.	1. 2,6 минг гектар ўрмон фонди ерларини ўрмонлар, кўчатхоналар ва доривор ўсимликлар етиштириш учун ажратиш. 2. 2,2 минг нафар Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга ўрмон фонди ерларида даромад олишига кўмаклашиш.	2026 йил экиш мавсумида 2026 йил давомида	Ижрочилар маблағлари	Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги (<i>Э.Мухитдинов</i>)
29.	Ижтимоий реестрга киритилган оилалар томонидан етиштирилган маҳсулотлар сотилишини рағбатлантириш.	1. Ижтимоий реестрга киритилган оилалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун деҳқон бозорлари ва супермаркетлардан	2026 йил апрель	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		10 минг метр кв махсус ва савдо нуқталари рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган рўйхатга киритилган махсус ва савдо нуқталарида савдо қилиш учун зарур шароитлар яратиш. 3. Ташкил этилган махсус ва савдо нуқталарини, биринчи навбатда, Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзоларига бериш.			ҳокимликлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов)
30.	Аҳолининг томорқаларидан юқори даромад олиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ҳудудларда Термиз тумани мисолида “Томорқа мактаби” ни ташкил қилиш.	1. Ҳар бир вилоятда “Томорқа мактаби”ни ташкил этиш истаги бўлган лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш. 2. Ҳокимликлар захира ерларидан “Томорқа мактаби”ни ташкил этиш учун ер майдони ажратиш. 3. “Агростарлар” томонидан мактаб тингловчиларига томорқасида даромадли экин экиши учун уруғ ва кўчатлар етказиб бериш ҳамда етиштирилган маҳсулотни сотиб олишни йўлга қўйиш.	2026 йил март 2026 йил май 2026 йил давомида	Ташаббускорлар маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов), тижорат банклари
V. Иш берувчилар билан ишлашни такомиллаштириш					
31.	“Бандлик органлари – иш берувчи ҳамкори” дастурини такомиллаштириш ҳамда иш берувчилар ва иш изловчилар ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш.	1. Бандлик органлари томонидан корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар ва иш қидирувчиларнинг резюмелари “osonish.uz” электрон платформасига жойлаштирилишига кўмаклашиш. 2. Иш берувчиларга сунъий интеллект ёрдамида номзодларни аниқлаш ва тавсия этиш механизмини жорий этиш.	2026 йил давомида	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
32.	Хусусий сектордаги иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Намунали иш берувчи” республика танловини ўтказиш.	Танловни ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш. Бунда: танлов натижаларини мавжуд ахборот тизимларида иш берувчилар тўғрисида шаклланган маълумотлар асосида 2026 йилдан бошлаб ҳар йил якуни билан кейинги йилнинг 1 мартига қадар аниқлаш; танлов ёлибини базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш ва оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш.	2026 йил декабрь	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Заҳидов), Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов)
VI. Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзоларини қўллаб-қувватлаш					
33.	Ҳудудларда Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзолари учун ўқув курсларини ташкил этиш.	36 минг нафар Ижтимоий реестрга киритилган оила фарзандларини бепул курсларда (IT, хорижий тил, электрон тижорат, маркетинг ва SMM) ўқитиш. - Масофавий ўқишни муваффақиятли тамомлаган 5 минг нафар Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандларини профессионал IT касблар бўйича 6 ойлик интенсив курсларда ўқитиб бандлигини таъминлаш. - Фарзанди интенсив курсларга қабул қилинган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларни 1 йил давомида юқори тезликдаги бепул интернет алоқаси билан таъминлаш.	2026 йил март–апрель 2026 йил декабрь 2026–2027 йилларда	Ижрочилар маблағлари	Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)
34.	Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандларига уларнинг қизиқиши асосида қўшимча таълим бериш.	Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 90 минг нафар фарзандларини мактабларда	2026 йил давомида	Давлат бюджети маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Э.Каримова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		қўшимча тўғаракларга жалб этилишини таъминлаш.			
35.	Ижтимоий реестрга киритилган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш, соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш.	- Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказиш. - Давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ҳажмлари доирасида Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзоларини бепул ташхислаш ва даволашни ташкил қилиш. - Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг 100 минг нафар фарзандларини спорт тўғаракларига жалб қилиш.	2026 йил давомида	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Спорт вазирлиги (А. Икромов), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев)
36.	Маҳаллаларда Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзолари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар, маданий ва маърифий тадбирлар ўтказиш.	- Маҳаллаларда Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзолари иштирокида 21 та мавзуда давра суҳбатлари, учрашувлар, маданий ва маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича дастурларни тасдиқлаш. - Маҳаллаларда Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзолари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар, маданий ва маърифий тадбирлар ўтказиб бориш. “Фаол маҳалла – фаровон ҳаёт” шиори остида кўрсатувлар тайёрлаб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.	2026 йил февраль 2026 йил давомида	Ижрочилар маблағлари	Республика Маънавият ва маърифат маркази (О. Хасанов), Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (З. Махкамова), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев)
37.	Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзолари бўлган ёшларни амалга	“Inno X” бизнес инкубатор ва акселератор дастурларида 260 нафар Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоси бўлган	2026 йил май–ноябрь	Ташаббускорлар ва грант маблағлари	Инновацион ривожланиш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
	оширилаётган инновацион лойиҳаларга жалб қилиш.	ёшларни инновацион тадбиркорликка ўқитиш ва уларнинг лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш.			Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари
VII. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ҳамда сертификатларга эга мутахассисларни тайёрлаш					
38.	Ваучер асосида 100 минг аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш харажатларини қоплаб бериш.	1. Бандлик бўлимлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари томонидан касбга ўқиш истаги бўлган фуқароларни йўналтириш. 2. Ваучер асосида ўқитиш харажатларини қоплаб бериш. 3. Ўқув курслари битирувчиларининг бандлигига кўмаклашиш.	2026 йил давомида	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов)
39.	“Оғир” туманлардаги техникумларда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни йўлга қўйиш.	37 та “оғир” туманлардаги техникумларда хорижий давлатлар тажрибаси асосида тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш курсларини йўлга қўйиш.	2026 йил март	Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси	Касбий таълим агентлиги (А. Хусанов)
40.	Сунъий интеллект ёрдамида фуқароларнинг қобилияти, уларнинг салоҳиятини аниқлаб берадиган Касбий диагностика тестларини жорий этиш.	1. Ишсиз ва иш қидираётган фуқароларни ўз қобилиятларига мос иш билан банд қилишда илғор тажрибага эга бўлган хорижий компанияларни жалб қилиш. 2. Сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган махсус платформа ишлаб чиқиш. 3. Платформа орқали фуқароларнинг қобилияти, қизиқишларини аниқлаш ҳамда тест натижаларидан келиб чиққан	2026 йил апрель 2026 йил сентябрь 2026 йил ноябрь	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		ҳолда уларга иш таклиф этиш ёки касбга йўналтириш тизимини яратиш.			
41.	Ваучер тизимини янада такомиллаштириш.	1. Хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда ваучер тизимида қўлланиладиган ўқув дастурларни иш берувчиларнинг талаби асосида қайта ишлаб чиқиш ҳамда яқиний имтиҳон талабларини босқичма-босқич жорий этиш. 2. Ижтимоий реестрга киритилган оилалар аъзосига касб ва хорижий тилларга ўқиш учун ваучер расмий бандлиги ва даромад манбаи мавжудлигидан қатъи назар берилишини йўлга қўйиш.	2026 йил 1 сентябрь 2026 йил 1 апрелдан бошлаб	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов)
VIII. Институционал ислохотлар ва лойиҳа бошқаруви					
42.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги мавжуд ва ташкил қилинадиган лойиҳани амалга ошириш гуруҳлари фаолияти самарадорлигини рағбатлантириш.	1. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳлари раҳбар ва ходимларининг фаолиятини баҳолаш орқали самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) вазирлик ходимларига тенглаштирилган миқдорлар доирасида белгилаш. 2. Ҳар ойда самарадорлик кўрсаткичлари натижасига кўра Лойиҳани амалга ошириш гуруҳларини тўғридан-тўғри молиялаштириш.	2026–2027 йилларда	Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жамғармаси	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов)
43.	Қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантиришда “ақлли” технологиялар ва иқлим ўзгаришини инобатга олувчи намунавий лойиҳаларни амалга ошириш.	1. “Қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш – 2-фаза” лойиҳаси доирасида ташкил этилиши кўзда тутилган қиймат занжирини яратиш ҳамда “яшил” технология ва ёндашувларни демонстрация қилиш	2026–2027 йилларда	Жаҳон банки, ташаббускорлар маблағлари	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		бўйича лойиҳалар рўйхатини шакллантириш; 2. Йўналишларни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Тармоқ илмий-техник кенгаши (ТИТК) билан келишиш; 3. ТИТК билан келишилган йўналишлар доирасида вазирлик томонидан ҳудудларнинг ихтисослашуви, яратиладиган иш ўринларидан келиб чиқиб, янги лойиҳаларни ишга тушириш; 4. Лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкор сифатида тадбиркорлик субъектлари, вазирлик ҳузуридаги “Камбағаллик ва меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази” МЧЖ ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари иштирок этиши мумкин.			
44.	Норасмий иш ўринларини расмий секторга ўтказиш ишларини такомиллаштириш.	1. Норасмий иш ўринларини расмий секторга ўтказиш бўйича тегишли дастурларни тасдиқлаш. Бунда ушбу қарорнинг 7-илоvasида белгиланган кўрсаткичлардан келиб чиқиб масъул вазирлик ва идораларнинг ойма-ой режа кўрсаткичлари ҳамда амалга ошириладиган назорат ва профилактик тадбирлари назарда тутилади.	2026 йил февраль 2026 йил давомида	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаси	Масъул ижрочилар
		2. Тасдиқланган дастур асосида ҳудудларда аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни ташкил этиш. 3. Ўтказиладиган текширувларнинг шаффофлигини ошириш учун Давлат меҳнат инспекторларини боди-камералар билан таъминлаш чораларини кўриш; 4. Дастур доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиш.	2026 йил июнь 2026 йил ҳар чорак якуни билан		
45.	Маъмурий жавобгарлик чораларини либераллаштириш.	Норасмий бандлик бўйича ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир ой муддат ичида иш берувчи томонидан ходимлар билан меҳнат шартномасини расмийлаштириб, ҳисобланган ойлик иш ҳақлари тўлиқ тўлаб берилганда маъмурий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил май		Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)
46.	Давлат меҳнат инспекторларининг мустақиллигини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш.	Меҳнат қонунчилиги ижросини таъминлашда меҳнат инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг штат бирликлари яхлитлигини таъминлаш ҳамда мустақиллигини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2026 йил март		Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 5 февралдаги ПҚ–49-сон қарорига
10-илова

**Аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш,
даромадини ошириш ҳамда норасмий иш ўринларини
қисқартириш бўйича ҳисоботларни юритиш
ТАРТИБИ**

I. Умумий қоидалар

1. Аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш ва даромадини ошириш бўйича манзилли маълумотлар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг *(кейинги ўринларда – Вазирлик)* “**yangiish.mehnat.uz**” электрон платформасида *(кейинги ўринларда – Платформа)* юритилади.
2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш ва даромадини оширишга масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларининг туман бўлимлари вакилларида иборат **штаб** *(кейинги ўринларда – штаб)* ташкил этилади.

II. Доимий иш ўринларига жойлаштирилган фуқаролар ҳисобини юритиш

3. Доимий иш ўринларига жойлаштирилган фуқаролар ҳисобини юритишда қуйидаги фуқаролар инобатга олинади:
 - (а) юридик шахслардаги, шу жумладан, бюджет ташкилотларидаги бўш ва захираланган иш ўринларига ишга жойлашган фуқаролар;
 - (б) янги ташкил этилган ёки фаолиятини кенгайтирган юридик шахслардаги янги яратилган иш ўринларига ишга жойлашган фуқаролар;
 - (в) янги ташкил этилган якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ёлланма ишчилари.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги штаблар томонидан **ҳар ойнинг 18-санасига қадар** Платформага йўналишлар ва маҳаллалар кесимида доимий иш ўринларига жойлаштирилган фуқаролар тўғрисидаги манзилли маълумотлар киритиб борилади.

5. Вазирлик ҳар ойнинг 20-санасига қадар доимий иш ўринларига жойлаштирилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни Платформа орқали **Солиқ қўмитасига** тақдим этиб боради.

6. Солиқ қўмитаси ҳар ойнинг 22-санасига қадар Платформа орқали доимий ишга жойлаштирилган фуқароларга амалда иш ҳақи ҳисобланганлигини текшириб, Вазирликка тақдим этади.

III. Даромадни ошириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар ва фуқаролар ҳисобини юритиш

7. Даромади оширилган фуқаролар ҳисобини юритишда қуйидагилар инобатга олинади:

- (а)** юридик шахсларда **мавсумий ва вақтинчалик** ишларда банд қилинган фуқаролар;
- (б)** янги рўйхатдан ўтган ўзини ўзи банд қилган шахслар, шу жумладан, доимий иш ўрнига эга бўлиб, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган фуқаролар;
- (в)** янги рўйхатдан ўтган деҳқон хўжаликлари ва уларнинг аъзолари;
- (г)** “ваучер” тизими доирасида ҳамда корхона ва ташкилотлар буюртмаси асосида касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган фуқаролар;
- (д)** давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан даромадни оширишга қаратилган субсидия, ссуда, грант ва бошқа турдаги молиявий ёрдам ажратилган фуқаролар;
- (ж)** тижорат банклари томонидан даромадни ошириш мақсадида кредит маблағлари ажратилган жисмоний шахслар ва юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган илгари фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор сифатида юритган жисмоний шахслар;
- (з)** микромолия ташкилотлари томонидан даромадни ошириш мақсадида хизмат кўрсатилган фуқаролар (*бундан истеъмол микромолия хизматлари мустасно*);
- (и)** фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида фаолият юритаётган фуқаролар;

- (к) уста-деҳқонлар томонидан маҳаллаларда аҳоли хонадонларини маълум бир фаолиятга ихтисослаштириш бўйича хизмат кўрсатилган фуқаролар;
- (л) деҳқон хўжалиги кооперативларига аъзо бўлган фуқаролар;
- (м) мева-сабзавотчилик, паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик, ишлаб чиқариш, касаначилик, ҳунармандчилик ва бошқа йўналишларда етакчи (*“лидер”*) тадбиркор билан **кооперация алоқалари** ўрнатиладиган ҳамда **“устоз-шогирд”** тамойили асосида фаолият юритаётган фуқаролар;
- (н) **“Агростар” компаниялари** томонидан маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш доирасида хизматлар кўрсатилган (*уруғ ва кўчат етказиб бериш, маҳаллага малакали мутахассисларни бириктириш ва бошқалар*) фуқаролар;
- (о) ижара асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун ҳамда **такрорий экин** экиш учун ер майдонлари ажратилган фуқаролар.

8. Мазкур тартибнинг 7-банди:

- (а) **“а” кичик бандига** асосан юридик шахсларда мавсумий ва вақтинчалик ишларда банд қилинган фуқаролар тўғрисидаги манзилли маълумотлар **туман (шаҳар) штаблари** томонидан юритилади;
- (б) **“б”, “в” ва “и” кичик бандларида** назарда тутилган фуқаролар ҳисоби **Солиқ қўмитаси** ва ҳудудий солиқ органлари томонидан юритилади;
- (в) **“г” ва “д” кичик бандларида** назарда тутилган фуқаролар **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан юритилади;
- (г) **“ж” ва “з” кичик бандларига** асосан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ва кўрсатилган микромолия хизматлари ҳисоби **Марказий банк** ва унинг ҳудудий бош бошқармалари томонидан юритилади;
- (д) **“к”, “л”, “м”, “н” ва “о” кичик бандлари** бўйича даромади оширилган фуқаролар тўғрисида маълумотлар **“маҳалла еттилиги”** коллегиал қарори билан тасдиқланади. Бунда коллегиал қарорга даромадни оширишга қаратилган хизматлар кўрсатилган **фуқаролар манзилли рўйхати** илова қилиниши лозим.

9. Мазкур тартибнинг 8-бандига асосан шакллантирилган манзилли маълумотлар масъул ташкилотлар томонидан туман (шаҳар) штабларига **ҳар ойнинг 15-санасига қадар** тақдим этиб борилади.

10. Туман (шаҳар) штаблари маҳаллалар кесимида манзилли маълумотларни **ҳар ойнинг 18-санасига қадар** Платформага киритиб боради.

IV. Норасмий меҳнат фаолияти легаллаштирилган фуқаролар ҳисобини юритиш

11. Иш ўринларини “соя”дан чиқаришда қуйидагилар инобатга олинади:

(а) **юридик шахслар**да норасмий меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни расмийлаштириш (*легаллаштириш*);

(б) норасмий тадбиркорлик фаолиятини юритаётган фуқароларни **юридик шахс** сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш;

(в) давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган фуқароларни **якка тартибдаги тадбиркорлар** сифатида рўйхатдан ўтказиш (*бунда уларнинг ёлланма ишчилари ҳам инобатга олинади*);

(г) рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритаётган фуқароларни **ўзини ўзи банд қилган шахслар** сифатида рўйхатдан ўтказиш;

(д) деҳқон хўжалигини юритиш учун ер майдонларини ижара ҳуқуқи асосида олган фуқароларни **деҳқон хўжалиги** сифатида рўйхатдан ўтказиш.

12. Мазкур қарорнинг **7-иловасига мувофиқ** масъул этиб белгиланган вазирлик ва идоралар томонидан ушбу тартибнинг **11-бандига** асосан шакллантирилган манзилли маълумотлар ҳар ойнинг 18-санасига қадар йўналишлар ва маҳаллалар кесимида легаллаштирилган фуқароларнинг номма-ном рўйхати Платформага киритиб борилади.

13. Вазирлик ҳар ойнинг 20-санасига қадар маълумотларни Платформа орқали Солиқ қўмитасига тақдим этиб боради.

14. Солиқ қўмитаси ҳар ойнинг 22-санасига қадар Платформа орқали қабул қилинган легаллаштирилган фуқароларнинг манзилли рўйхати асосида уларга ҳақиқатда иш ҳақи ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳисобланганлигини текшириб, Вазирликка тақдим этади.

- 15.** Вазирлик Платформа орқали Солиқ қўмитасидан олинган маълумотлар асосида ҳар ойнинг 25-санасига қадар норасмий меҳнат фаолияти легаллаштирилган фуқаролар бўйича маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

V. Якунловчи қоидалар

- 16.** Норасмий фаолияти легаллаштирилган ва доимий иш ўринларига жойлаштирилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобот ойида такрорланишига йўл қўйилмайди.
- 17.** Даромадни оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олинган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар Платформага **фақат бир мартаба** киритилиши мумкин.
- 18.** Доимий иш ўринларига жойлаштирилган ҳамда норасмий фаолияти легаллаштирилган фуқароларга даромадни оширишга қаратилган хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Бунда даромадни ошириш бўйича хизматлар кўрсатилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ва доимий иш ўринларига жойлаштирилган ҳамда норасмий фаолияти легаллаштирилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар такрорланишига йўл қўйилади.

- 19.** Вазирлик Платформага киритилган ва Солиқ қўмитасининг электрон дастурида тасдиқланган (доимий иш ўринларига жойлаштирилган ва норасмий фаолияти легаллаштирилган фуқаролар) ҳамда туман (шаҳар) штаблари томонидан даромадни ошириш бўйича хизматлар кўрсатилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, **ҳар ойнинг 25-санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 5 февралдаги ПҚ–49-сон қарорига
11-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ–3777-сон қарорининг 9-банди иккинчи хатбошисидаги “33” рақами “50” рақами билан алмаштирилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4742-сон қарорининг 3-бандида:
 - (а) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда мазкур фаолият йўналиши бўйича иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади”;
 - (б) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“меҳнат шартномасига асосан банд бўлган шахслар (давлат фуқаролик хизматчилари бундан мустасно) бир вақтнинг ўзида рухсат берилган фаолият турлари билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда шуғулланишлари мумкин”.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5155-сон қарорининг 11-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек,

аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–54-сон қарорида:

(а) 1-банднинг биринчи хатбошисидаги “9” рақами “11” рақами билан алмаштирилсин;

(б) 3-бандда:

(i) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Белгилансинки, Жамғарма томонидан:”;

(ii) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(iii) учинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(iv) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сўв таъминоти оғир томорқа ва ижара ер майдонларини суғориш учун тик қудуқларни бурғилаш ва қуввати 10 кВт соатдан кам бўлмаган қуёш панелини ўрнатиш учун харажатларнинг 70 фоизи, бироқ 200 млн сўмдан ошмаган миқдорда субсидия ажратилади”;

(v) бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сўв таъминоти оғир томорқа ва ижара ер майдонларини суғориш учун тик қудуқларни бурғилаш ва қуёш панелини ўрнатиш харажатларини қоплаш учун ҳар йили Давлат бюджетидан Жамғармага тегишли маблағ йўналтирилади”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–55-сон қарорида:

(а) 1-банднинг “в” кичик банди қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда бошқа маркетплейслар орқали маҳсулотлар (хизматлар)ни харид қилиш бўйича шартнома тузилгандан ҳамда кредит ажратилгандан сўнг маҳсулот етказиб берилганлиги (хизмат кўрсатилганлиги) ҳоким ёрдамчиси ҳамда маҳалла банкири томонидан мониторинг далолатномаси асосида тасдиқланади”;

(б) қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

“2¹. Қарз олувчи ажратилган кредитлар ҳисобига товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида савдолари оммалашиб бораётган электрон савдо платформаларининг “маркетплейс” тизимлари орқали сотиб олиши ёки сотиши мумкин.

Бунда ушбу “маркетплейслар” орқали сотиб олинган ёки сотилган маҳсулотлар (хизматлар) учун тўловлар кредит маблағлари ҳисобидан олдиндан амалга оширилади”.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–57-сон қарорининг 13-бандида:

(а) иккинчи – олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан — “Энг яхши ижтимоий лойиҳа”;

Савдо-саноат палатаси томонидан — “Энг яхши тадбиркор”;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан — “Энг яхши талаба”;

Спорт вазирлиги томонидан — “Энг яхши спортчи”;

Маданият вазирлиги томонидан — “Энг яхши китобхон”;

(б) еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

(в) саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисобласин.

- 7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 сентябрдаги “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–376-сон қарорининг 1-бандида:
- (а)** иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- (б)** учинчи – бешинчи хатбошилар иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
- 8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–401-сон қарорида 2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.
- 9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–347-сон қарори 9-бандининг саккизинчи хатбошисидаги “2026 йил 1 июлга қадар” сўзлари “2026 йил якунига қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–12-сон қарори 16-бандининг учинчи хатбошисидаги “2025 йил” сўзлари “2027 йил” сўзлари билан алмаштирилсин.
- 11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги “Uzagrostar holding” компанияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–57-сон қарорига 1-илова қуйидаги мазмундаги 17–21-позициялар билан тўлдирилсин:

“

17.	Янгиқўрғон тумани	“Наманган-Агро Стар” МЧЖ	Чортоқ, Косонсой, Сўх	Қора олхўри
-----	-------------------	--------------------------	-----------------------	-------------

18.	Қизилтепа тумани	“Навоий-Агро Стар” МЧЖ	Навбаҳор, Муборак, Бойсун, Томди	Чорвачилик (қорамол, қўй, қоракўлчилик)
19.	Мирзаобод тумани	“Сирдарё-Агро Стар” МЧЖ	Боёвут, Қува, Шеробод, Китоб	Анорчилик
20.	Косон тумани	“Қашқадарё-Агро Стар” МЧЖ	Касби, Гулистон, Деҳқонобод	Сабзичилик ва каврак етиштириш
21.	Гурлан тумани	“Хоразм-Агро Стар” МЧЖ	Сирдарё, Қуйи Чирчиқ, Хонқа	Шоличилик

”.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 сентябрдаги ПҚ–286-сон қарори билан тасдиқланган Ягона интерактив давлат хизматлари порталида янги жорий этиладиган, шунингдек, композит шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатида:

(а) 8-позиция чиқариб ташлансин;

(б) 11-позициянинг “Масъул ижрочи” устунидаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги” сўзлари “Миллий малака тизимини ривожлантириш институти” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 майдаги “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 317-сон қарорида:

(а) 1-илованинг 6-бандида:

(i) “в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) уста деҳқонларга муайян маҳаллада бир турдаги юқори даромадли маҳсулот етиштиришни йўлга қўйганлиги учун:

камида 10 та хонадон томорқасида ташкил этилганда — 2 миллион сўм;

маҳалла хонадонларининг камида 30 фоизида жорий этилганда — 75 миллион сўм миқдорида субсидия ажратиш”;

(ii) қўйидаги мазмундаги “в¹” кичик банд билан тўлдирилсин:

“в¹) аҳоли томорқалари ҳамда ижара ер участкалари бўйича самарасиз эски боғларни реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш учун субсидиялар ажратиш”;

(iii) “г” кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“камида 30 та хонадон томорқасини суғориш мақсадида катта тик (вертикал) суғориш қудуғини бурғилаш, сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ишга тушириш ҳамда қудуқларнинг узлуксиз ишлаши учун қуввати камида 10 кВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш шarti билан, ушбу харажатларнинг 70 фоизи, бироқ 200 миллион сўмдан ошмаган қисми учун субсидия ажратиш;

ижарага берилган, ёнма-ён жойлашган ҳамда ҳар бирининг ер участкаси 15 сотихдан 2 гектаргача бўлган камида 10 та деҳқон хўжалиги ерларини суғориш мақсадида катта тик (вертикал) суғориш қудуғини бурғилаш, сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ишга тушириш ҳамда қудуқларнинг узлуксиз ишлаши учун қуввати камида 10 кВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш шarti билан, ушбу харажатларнинг 70 фоизи, бироқ 200 миллион сўмдан ошмаган қисми учун субсидия ажратиш”;

(iv) “и” кичик банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бундан ташқари, томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи субъектларга юқоридаги шартлар асосида Жамғарманинг ресурслари ҳисобидан кредитлар давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари орқали Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган кредит ажратиш механизми бўйича ҳам ажратилади”;

(v) “к” кичик бандда “ижара ер участкаларида” сўзларидан кейин “ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларида” сўзлари билан тўлдирилсин;

(vi) “п” кичик банднинг тўртинчи хатбошиси “ижара ер участкаларида” сўзларидан кейин “ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларида” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 2-иловада:

(i) 4-бандда:

“в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) уста деҳқонларга муайян маҳаллада бир турдаги юқори даромадли маҳсулот етиштиришни йўлга қўйганлиги учун:

камида 10 та хонадон томорқасида ташкил этилганда — 2 миллион сўм;

маҳалла хонадонларининг камида 30 фоизида жорий этилганда — 75 миллион сўм миқдорида субсидия ажратиш”;

қуйидаги мазмундаги “в¹” кичик банд билан тўлдирилсин:

“в¹) аҳоли томорқалари ҳамда ижара ер участкаларидаги самарасиз эски боғларни реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича субсидиялар ажратилади:

ҳар бир сотихга ёмғир сувини йиғиш ва (ёки) томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш учун 160 минг сўмгача;

сертификатга эга мевали дарахт кўчати нархининг 50 фоизи, бироқ ҳар бир кўчат учун мева турига қараб 30 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

ўрнатилган ҳар бир тиргак (устун)лар харажатларининг 50 фоизи, бироқ 70 минг сўмдан ошмаган миқдорда”;

“г” кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“камида 30 та хонадон томорқасини суғориш мақсадида катта тик (вертикал) суғориш қудуғини бурғилад, сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ишга тушириш ҳамда қудуқларнинг узлуксиз ишлаши учун қуввати камида 10 кВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш шарти билан, ушбу харажатларнинг 70 фоизи, бироқ 200 миллион сўмдан ошмаган қисми учун субсидия ажратиш;

ижарага берилган, ёнма-ён жойлашган ҳамда ҳар бирининг ер участкаси 15 сотихдан 2 гектаргача бўлган камида 10 та деҳқон хўжалиги ерларини суғориш мақсадида катта тик (вертикал) суғориш қудуғини бурғилад, сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ишга тушириш ҳамда қудуқларнинг узлуксиз ишлаши учун қуввати камида 10 кВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш шарти билан, ушбу харажатларнинг 70 фоизи, бироқ 200 миллион сўмдан ошмаган қисми учун субсидия ажратиш”;

“и” кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бундан ташқари, томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи субъектларга юқоридаги шартлар асосида Жамғарманинг ресурслари ҳисобидан кредитлар давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари орқали Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган кредит ажратиш механизми бўйича ҳам ажратилади”;

“к” кичик банд “ижара ер участкаларида” сўзларидан кейин “ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларида” сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) 3-параграфнинг номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3-§. Муайян маҳалладаги аҳоли томорқаларида юқори даромадли маҳсулот етиштиришни йўлга қўйган уста деҳқонларга субсидия ажратиш тартиби”;

(iii) 20–24-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Туман (шаҳар) меҳнат органи “маҳалла еттилиги” томонидан ўтказилган хатлов натижаларига кўра аниқланган уста деҳқонлар билан маҳалла хонадонлари томорқасини юқори даромадли маҳсулот етиштириш бўйича ихтисослаштириш лойиҳаларини ўрганиб чиқади ва буни йўлга қўядиган уста деҳқонлар тўғрисидаги ариза (таклиф)ларни тегишли “маҳалла еттилиги” билан келишган ҳолда “Онлайн маҳалла” платформаси орқали ҳудудий меҳнат органига тақдим қилади.

Лойиҳада ҳар бир хонадон томорқаси экин майдонининг 60 фоиздан юқори қисмида айнан ушбу юқори даромадли маҳсулот экилишини таъминлаш талаб этилади.

21. Ҳудудий меҳнат органи келиб тушган аризаларни 3 иш кунда жамлаган ҳолда “Онлайн маҳалла” платформаси орқали Вазирликнинг Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармасига таклиф киритади.

22. Вазирликнинг Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси уч иш кунда таклифларни ўрганиб чиқиб, молиялаштириш манбалари ва уларни захиралаш юзасидан Жамғарма билан келишган ҳолда қабул қилинган ва рад этилган аризалар тўғрисида хабарни “Онлайн маҳалла” платформаси орқали ҳудудий ва маҳаллий меҳнат органлари ҳамда “маҳалла еттилиги”га етказади.

23. Ҳоким ёрдамчиси икки иш кунда аризалар қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида уста-деҳқонни хабардор қилади ва аризаси қабул қилинган уста-деҳқон томонидан лойиҳалар ижроси бошланади.

24. Ихтисослаштириш йўлга қўйилиб, юқори даромадли маҳсулотлар етиштириш жараёни бошланганидан сўнг уста-деҳқон ҳоким ёрдамчисини хабардор қилади ва ҳоким ёрдамчиси бу ҳақда бир кун муддатда туман (шаҳар) меҳнат органига маълум қилади”;

(iv) қуйидаги мазмундаги “24¹” банд билан тўлдирилсин:

“24¹. Туман (шаҳар) меҳнат органи “маҳалла етилиги” билан тегишли маҳаллада амалга оширилган ишларни ўрганиб, натижаси бўйича баённома расмийлаштиради ҳамда маблағ ажратиш учун ҳудудий меҳнат органига “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали уста деҳқоннинг паспорт ва банк карта маълумотларини илова қилган ҳолда мазкур баённомани юборади”;

(v) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“28. Ушбу субсидия ҳар икки ҳолат бўйича тақдим қилинганда ҳам уларнинг миқдори ҳар бир маҳалла бўйича жами 75 миллион сўмдан ошмаслиги лозим”;

(vi) қуйидаги мазмундаги 3¹-параграф билан тўлдирилсин:

“3¹-§. Аҳоли томорқалари ҳамда ижара ер участкаларидаги самарасиз эски боғларни реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш учун субсидия ажратиш тартиби

28¹. Томорқа ёки ижара ер эгалари (кейинги ўринларда – талабгор) мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган мевали дарахт кўчати харид қилиш, ёмғир сувини йиғиш ва (ёки) томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш ҳамда ўрнатилган тиргак (устун)лар харажатларининг бир қисмини қоплаш учун “Онлайн маҳалла” платформаси орқали лойиҳа учун зарур бўладиган маблағ миқдорини кўрсатган ҳолда ариза билан мазкур низомнинг иловаси билан тасдиқланган Субсидия ажратишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) ишчи гуруҳи)га мурожаат қилади.

Бунда талабгор бир йўла юқоридаги йўналишларнинг барчасидан фойдаланиши мумкин.

28². Туман (шаҳар) ишчи гуруҳи томонидан мурожаатни уч иш кунида жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқиб, субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, ҳоким ёрдамчиси туман (шаҳар) ишчи гуруҳи хулосаси ва мавжуд эски боғнинг фото ҳисоботларини “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳудудий меҳнат органига юборади.

Субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда талабгорга рад жавоби юборилади.

28³. Ҳудудий меҳнат органи икки иш кунида туман (шаҳар) ишчи гуруҳи хулосаси ва мавжуд эски боғнинг фото ҳисоботлари билан бирга аризалар ва унга илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар мослигини кўриб чиқиб, Вазирликнинг Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармасига келишиш учун тавсия юборади.

28⁴. Вазирликнинг Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси уч иш кунида тавсияларни ўрганиб чиқиб, мақсадга мувофиқ деб топганда молиялаштириш манбалари юзасидан Жамғарма билан келишган ҳолда тавсия қабул қилинганлиги тўғрисида ҳудудий меҳнат органига хабар юборади.

Тавсия қабул қилинганда, Жамғарманинг харажатлар сметасида аризада кўрсатилган маблағлар беш ой учун захираланади ва талабгорнинг мазкур субсидияни олиш муддати ўтган тақдирда мурожаатга асосан юқоридаги жараён қайта амалга оширилади.

Субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда ҳудудий меҳнат органига рад жавоби юборилади.

28⁵. Ҳудудий меҳнат органи тавсия қабул қилинганидан сўнг уч иш кунида тегишли ҳоким ёрдамчиси орқали талабгорни хабардор қилади.

28⁶. Талабгор тегишли хабарни олгандан сўнг лойиҳани амалга ошириш ишларини якунига етказиб, бу ҳақда туман (шаҳар) ишчи гуруҳини хабардор қилади.

28⁷. Туман (шаҳар) ишчи гуруҳи талабгордан хабар келгандан сўнг беш иш кунида лойиҳа тўлиқ якунланганлиги ва унга сарфланган маблағларни тасдиқловчи ҳужжатларни кўриб чиқиб, далолатнома расмийлаштиради.

Далолатномада ҳақиқатда ажратиладиган субсидия миқдори кўрсатилиб, мазкур маблағ дастлабки мурожаатда кўрсатилган маблағ миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйилмайди.

28⁸. Ҳоким ёрдамчиси икки иш кунида “Онлайн маҳалла» платформаси орқали фото ҳисоботлар, талабгорнинг банк пластик карта рақамларига оид маълумотни илова қилган ҳолда далолатномани ҳудудий меҳнат органига юборади.

28⁹. Ҳудудий меҳнат органи келиб тушган далолатномани икки иш кунида Вазирликнинг Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармасига юборади.

28¹⁰. Вазирликнинг Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси келиб тушган далолатномани уч иш кунида кўриб чиқиб мақсадга мувофиқ деб топилганда, маблағ ажратиш бўйича Жамғармага сўровнома юборади.

28¹¹. Жамғарма сўровномага асосан уч иш кунида субсидияни ҳудудий меҳнат органига ўтказиб беради.

28¹². Ҳудудий меҳнат органи субсидияни икки иш кунида талабгорнинг банк карта рақамига ўтказиб беради.

28¹³. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликларига фақат бир марта берилади.

28¹⁴. Туман (шаҳар) ишчи гуруҳи:

ташкил этилган янги боғларни ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига қадар 6 ой давомида мониторинг қилиб боради ва кўчатларнинг ҳолати юзасидан далолатнома расмийлаштириб, “Онлайн маҳалла” платформасига юклаб боради;

мониторинг давомида белгиланган ишлар талаб даражасида бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда, ўтказиб берилган субсидияни Жамғарманинг ҳисобига қайтариш юзасидан ёзма равишда талабнома юборади.

28¹⁵. Талабнома бўйича талабгор маблағни 30 кун ичида қайтармаган тақдирда ушбу масала суд тартибида ҳал қилинади”;

(vii) 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“36. Ҳудудий меҳнат органи туман ҳокимлиги билан биргаликда камида 30 та хонадон томорқасини суғоришга мўлжалланган катта тик (вертикал) суғориш қудуғини бурғилаш, сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва қудуқларнинг узлуксиз ишлаши учун қуввати камида 10 кВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш шарти билан ишга тушириш бўйича рўйхатни шакллантиради”;

(viii) 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“45. Ҳудудий меҳнат органи туман ҳокимликлари билан биргаликда ижарага берилган ва унга ёнма-ён жойлашган, ҳар бирининг майдони 15 сотихдан 2 гектаргача бўлган камида 10 та деҳқон хўжалиги ерларини суғориш учун тик (вертикал) қудуқ бурғилаш, сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва қудуқларнинг узлуксиз ишлаши учун қуввати камида 10 кВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш шарти билан ишга тушириш бўйича рўйхатни шакллантиради”;

(ix) 12-параграф номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12-§. Аҳоли томорқалари ва ижара ерларида ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларида ихчам музлаткичли омборхоналар, қадоқлаш, қуритиш ва қайта ишлаш ускуналари, тайёр ҳолдаги иссиқхоналарни лизингга бериш тартиби”;

(x) 88-банд “ижара ер эгалари” сўзларидан кейин “ёки уларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари” сўзлари билан тўлдирилсин;

(xi) 92-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда лизинг маблағларини қайтариш бўйича тўлов графиги “Камбағаллик ва меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази” МЧЖ томонидан лойиҳа тўлиқ ишга туширишга тайёр ҳолатга келтирилиб, белгиланган тартибда лизингга олувчига топширилган санадан бошлаб ҳисобланади”;

(xii) 93-бандда “ижара ер эгаси” сўзларидан кейин “ёки уларга хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти” сўзлари билан тўлдирилсин;

(xiii) қуйидаги мазмундаги илова билан тўлдирилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан грант, субсидия, кредит ва лизинг ажратиш тартиби тўғрисида низомга
илова**

**Субсидия маблағларини ажратишга кўмаклашувчи
туман (шаҳар) ишчи гуруҳининг**

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. Туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, Ишчи гуруҳ раҳбари

2. Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи

3. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги туман бўлими бошлиғи

4. Туман ирригация бўлими бошлиғи

5. Тегишли маҳалла раиси

6. Тегишли маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси”.

14.Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 ноябрдаги 706-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 82-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлик тизимига кирувчи ташкилотлар ҳамда Бандлик жамғармаси томонидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг пулли хизматларидан тушадиган тушумларнинг вазир томонидан белгилаб бериладиган, бироқ 50 фоиздан ошмаган қисми”.

